

МАВЗУ: БОЛАЛАРГА НИСБАТАН ЗЎРАВОНЛИК ВА УНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШГА ҚАРАТИЛГАН ЧОРА-ТАДБИРЛАР

Ўзбекистон Республикаси

Ички ишлар вазирлиги

Сурхондарё академик литсейи

ҳуқуқшунослик фани ўқитувчиси

Кўчкинова Адолат Гулмурод қизи

Аннотация: Ушбу мақола Болаларга нисбатан

зўравонлик, зўравонликнинг турлари, инсон саломатлигига таъсири ва болаларни зўравонликдан сақлаш учун қабул қилинган Халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, юртимизда болаларни зўравонликдан асраш учун олиб борилаётган чора-тадбирларга бағишланади.

Калит сўзлар: Зўравонлик, болалар зўравонлиги, эксплуатация, трансплантация, жисмоний зўравонлик, жинсий зўравонлик, психологик зўравонлик, буллинг ва кибербуллинг

Бугунги кунда болаларни зўравонликдан асраш учун бутун жамият аъзолари бир ёқадан бош чиқариб бирлашиши зарур. Биз зўравонликдан сақлаш сабаб ва мақсадлари, зўравонлик оқибатлари, халқаро ҳуқуқий ҳужжатлар, норматив ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида тўхталишдан аввал, зўравонлик нима деган саволга жавоб беришимиз зарур.

Зўравонлик бу – бу жароҳатлаш, суъистемол қилиш, зарар етказиш ёки юқ қилиш учун жисмоний куч ишлатишдир. Жаҳон соғ'лиқни сақлаш ташкилоти (ЖССТ) томонидан зўравонликка таъриф қуйидагича берилган: Ўлимга, психологик зарарга, нотўғри ривожланишга ёки маҳрумликка сабаб бўлувчи ўзига, бошқа шахсга, гуруҳга ёки жамиятга қарши ҳар қандай кучни қасддан қўллаш, таҳдид қилиш ёки жароҳат етказиш зўравонликдир.

Болага нисбатан зўравонлик - бошқа шахс (бола ёки катта одам), оила, гуруҳ томонидан болага унинг жисмоний ёки руҳий саломатлигига таҳдид соладиган, шикастланишга (жисмоний ва психологик), ривожланишидаги оғишга ва ҳатто боланинг ҳалокатига олиб келадиган жисмоний, психологик, ижтимоий таъсир.

Болага нисбатан зўравонлик ҳар қандай мамлакатда содир бўлиши мумкин. Афсуски, Унинг кўп ҳолатлари ошкор этилмайди ва яширин қолади. Бунинг асосий сабабларидан бири болалар зўравонлик ҳақида гапиришдан тортинадилар: жаҳолат, жиноятчига қарамлик ва боғлиқлик, салбий оқибатлардан қўрқиш, оила аъзолари томонидан қўллаб-қувватланмаслик, уят (жиноятчи болани ўзини айбдор ҳис қилишга ва қилмишда иштирок этганини хис қилишга мажбур қилади), жиноятчи томонидан таҳдидлар, хавфсизлик ва омон қолиш стратегияси. Одатда қизлар ўғил болалардан 2-3 бор кўпроқ жинсий зўравонлик ва эксплуатация ҳақида хабар беришади; ўғил болалар жамиятда мавжуд бўлган гендер стереотиплари туфайи бу ҳақда камроқ хабар беришади. Ачинарлиси шуки, дунё бўйлаб болалар ва ўсмирлар ўзлари биладиган одамлар яъни ота-оналар/васийлар, катта ёшли болалар, қариндошлар, оилавий дўстлар, қўшнилари, ўзлари билан ишқий муносабатда бўлган ёшлар, ишончли муносабатлардаги ёки касбий вазифаларни бажариш жараёнидаги катталар, ҳукм муносабатлари бор катталар томонидан **жинсий зўравонликка** дучор бўлишади. Бунинг натижасида Жинсий зўравонлик ёки эксплуатацияга учраган болаларда турли шароитларда катталар ёки тенгдошлар томонидан бошқа турдаги зўравонликларга дучор бўлиш хавфи катта.

Қонун билан тақиқланган зўравонлик турлари

Жисмоний зўравонлик;

Психологик зўравонлик;

Жинсий зўравонлик;

Ғамхўрлик кўрсатмаслик;

Безорилик (Буллинг ва кибербуллинг);

Эксплуатация.

Жисмоний зўравонлик - Болага нисбатан қасддан (тасодифий бўлмаган) жисмоний куч ишлатишни англатади, натижада болага зарар етказилади. Жисмоний зўравонлик ҳодисалари бир марта содир бўладиган ёки такрорланиб турадиган бўлиши мумкин. (Калтаклаш, қийноққа солиш, уриш, болани спиртли ичимликлар, гиёҳванд моддалар, токсик моддаларни истеъмол қилишга жалб қилиш ва ҳ.к).

Психологик/эмоционал зўравонлик - болани доимий ёки вақти-вақти билан оғзаки ёки оғзаки бўлмаган тарзда ҳақорат қилиш, таҳдид қилиш ва таҳқирлаш, уни айбдор бўлмаган нарсаларда айблаш, ёқтирмаслик ва душманлик кўрсатиш, шунингдек, болага унинг ёшига кўра ривожланиши талабларига мос келмайдиган талабларни англатади. (Изоляция қилиш: катталар болани дўстлари билан мулоқот қилишдан ажратади, Қўрқитиш: катта одам болани оғзаки равишда ҳақорат қилади, қўркув, қўрқитиш ва таҳдидлар муҳитини яратади, Ўйиборсизлик: катталар болани зарур ҳиссий алоқадан маҳрум қилади, руҳий саломатлик, шунингдек, боланинг эҳтиёжлари ҳақида қайғурмайди, Ҳақорат қилиш: камситиш, қадрсизлаш, масхара қилиш ва боланинг ҳис-туйғуларини ранжитиш ҳ.к).

Жинсий зўравонлик - Жамият қонунлари ёки ижтимоий тақиқларини бузган тарзда, болани у ўзи тўлиқ тушунмайдиган, рози бўлолмайдиган ва ўзининг ривожланишига кўра тайёр бўлмаган жинсий фаолиятга жалб қилиш.

Болаларга нисбатан жинсий зўравонлик - бошқа шахснинг эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган бола ва катта одам, ёки бошқа бола ўртасидаги ҳаракатни ўз ичига олади. (Мажбурий никоҳ, Болаларни порнографик материалларни томоша қилиш ёки ишлаб чиқаришда иштирок

этири, Саёҳат ва туризм пайтида жинсий эксплуатация, болалар савдоси ва жинсий мақсадларда болаларни сотиш ҳ.к).

Ғамхўрлик кўрсатмаслик - Болаларнинг жисмоний ва психологик эҳтиёжларини қондирмаслик, болаларни хавфлардан ҳимоя қилмаслик ёки болаларга тиббий ёрдам кўрсатмаслик, болаларни парвариш қилиш учун масъул шахслар тегишли воситалар, билим ва хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга бўлса-да, аммо болаларни туғилишини қайд этиш ёки бошқа хизматлар кўрсатилишини таъминламаслик. (Жисмоний ёки руҳий саломатликка бепарволик, Таълимга эътиборсизлик, болаларнинг таълим олиш имкониятини таъминламаслик ҳ.к).

Безорилик (Буллинг ва кибербуллинг) - Тазйик/безорилик/буллинг-бу бир бола ёки бир гуруҳ болаларнинг одатда ўзларини ҳимоя қила олмайдиган бошқа болага ёки бир гуруҳ одамларга нисбатан салбий ҳаракатлари, бундай ҳаракатлар мактабларда ва болалар йиғиладиган бошқа жойларда, худди шундай Интернетда бир неча бор ёки маълум вақт давомида содир этилган бўлади.

Зўравонлик кўлами

- Ҳар **10** боладан **6** нафари ғамхўрлик қилувчилар томонидан жисмонан жазоланади
- **1,1** миллиард катталар (ҳар **4** нафардан **1**тадан кўпроғи) болаларни тўғри тарбиялаш учун жисмоний жазо зарур деб ҳисоблайди.
- 13-15 ёшдаги **130** миллионга яқин ўқувчи (ҳар **3** нафардан **1**тадан кўпроғи) зўравонликка дучор бўлади ва тахминан бир хил миқдордаги муштлашувларда қатнашади.

- **720 миллион** мактаб ёшидаги **болалар** мактабларда жисмоний жазодан қонун билан тўлиқ ҳимояланмаган мамлакатларда яшайди.
- Ҳар **7 дақиқада бир ўсмир** зўравонликдан вафот этади (2015 йилда дунёда 82 минг ўсмир зўравонлик натижасида вафот этган)
- Дунё миқёсида **ҳар 5 қиздан 1 нафари ва ҳар 13 ўғил боладан 1 нафари** 18 ёшга тўлгунга қадар жинсий зўравонлик ёки эксплуатацияга учраган.
- Баъзи тадқиқотлар шуни кўрсатдики, жабрланганларнинг **30 фоиздан 80 фоизгача** болаликдаги жинсий зўравонлик тажрибаларини вояга етгунга қадар ошқор қилмайди. Кўп одамлар (сонини санаб бўлмайди) **бутун умри давомида** бу ҳақда гапирмайди.
- Internet Watch Foundation маълумотларига кўра, **2013 йилда** унинг фаол қидирув тизимлари **болалар жинсий зўравонлик материалларини ўз ичига олган 13 182 веб-сайтни аниқлаган**. 2019 йилда бу кўрсаткич **1006 фоизга** ошган.
- Economist Intelligence Unit компаниясининг 60 та давлатни қамраб олган "Соядан ташқарида" ('Out of Shadow' index) индексига кўра, фақат **21 мамлакатда** онлайн грумингни тақиқловчи **махсус қонунлар** мавжуд.
- 2021-йилда ЮНИСЕФ томонидан **10 000 нафар** ёшлар ўртасида ўтказилган глобал сўровда иштирок этганларнинг **ярмидан кўпи ўз дўстлари интернетда хавфли хатти-ҳаракатлар билан шуғулланишига** ишонишади.

Ўзбекистонда кўп кўрсаткичли уй хўжаликлари тадқиқоти (МИКС 2022)
болаларга нисбатан зўравонлик ҳақидаги маълумотлари қуйидагича

1 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг 31 фоизи фақат зўравонликсиз таълим усулларида фойдаланган ҳолда тарбияланади

- 1 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг 29 фоизи жисмоний жазонинг ҳар қандай турини бошдан кечирази (4 фоизи қаттиқ жазоланади)
- Оналар ва бошқа ғамхўрлик қилувчиларнинг 11 фоизи болани жисмонан жазолаш керак деб ҳисоблайди
- 1 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг 60 фоизи психологик зўравонликка дучор бўлади
- 1 ёшдан 14 ёшгача бўлган болаларнинг 62 фоизи тарбиянинг ҳар қандай зўравон шаклини бошдан кечирмокда (жисмоний жазо ва / ёки психологик тажовуз)
- Сўровда қатнашган аёлларнинг 40,7 фоизи бир қатор вазиятларда эркеклар томонидан аёлларга нисбатдан жисмоний зўравонлик қўлланилишини оқлайди (шундан 37,9 фоизи шаҳар ва 43,1 фоизи қишлоқ ҳудудида яшайдиган аёллар).

Болаларни зўравонликдан ҳимоя қилишнинг халқаро стандартлари

- Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенция (1989)
- Болаларни сотиш, болалар фоҳишалиги ва болалар порнографияси бўйича БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига қўшимча протокол (2000)
- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига алоқа тартиби тўғрисидаги ихтиёрий протокол (2011)
- БҲТК Қўмитасининг 8-сонли умумий шарҳи "Боланинг жисмоний жазодан ва бошқа шафқатсиз ёки қадр-қимматни камситувчи жазодан ҳимояланиш ҳуқуқи" (2006)
- Боланинг зўравонликнинг барча шаклларида озод бўлиш ҳуқуқи бўйича БҲТК қўмитасининг 13-сонли умумий шарҳи (2011)

- Европа Кенгашининг Болаларни жинсий эксплуатация ва жинсий зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенцияси (2007)
- Европа Кенгашининг аёлларга нисбатан зўравонлик ва оиладаги зўравонликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш тўғрисидаги конвенцияси (2011)
- Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Жиноят қурбонлари ва гувоҳлари бўлган болалар билан боғлиқ масалаларда одил судлов бўйича кўрсатмалари (2005)
- Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноий одил судловда болаларга нисбатан зўравонликни бартараф этиш бўйича БМТнинг Модел стратегиялари ва амалиётлари (2014)

БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияси: болаларни зўравонлик, суиистеъмоллик, бепарволик ва эксплуатациянинг барча шаклларидан ҳимоя қилишга доир қуйидаги моддалар мустаҳкамлаб қўйилган ;

19-модда: боланинг болани зўравонлик, ҳақорат ёки суиистеъмоллик, бепарволик ёки эътиборсизлик, зўравонлик ёки эксплуатациянинг **барча шаклларидан ҳимоя қилиниш ҳуқуқи.**

20-модда: ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган боланинг давлат томонидан **алоҳида ҳимоя** ва ёрдам олиш ҳуқуқи

28-модда. Ушбу Конвенцияга мувофиқ, боланинг **инсоний қадр-қимматини ҳурмат қилишни акс эттирувчи усуллар билан мактаб интизомини сақлаш**

32-модда: боланинг **иқтисодий эксплуатациядан ҳимояланиш ҳуқуқи**

33-модда: Боланинг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни **қонунга ҳилоф равишда ишлатиш, ишлаб чиқариш ва савдосидан ҳимоя қилиш ҳуқуқи.**

34-модда: боланинг жинсий эксплуатация ва жинсий зўравонликнинг барча шаклларида химояланиш ҳуқуқи

37-модда: боланинг қийноқлардан ёки бошқа шафқатсиз, ғайриинсоний ёки кадр-қимматни камситувчи муомала ёки жазодан химояланиш ҳуқуқи.

"Болаларни зўравонликнинг барча турларидан химоя қилиш тўғрисида"ги Қонун 2023-йилда Бош прокуратура ва ИХМА иштирокида Адлия вазирлиги бошчилигидаги идоралараро ишчи гуруҳ томонидан ишлаб чиқилган.

- Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 31 майда қабул қилинган. Сенат томонидан 2024 йил 15 августда маъқулланган. Президент томонидан 2024 йил 14 ноябрь, 996-сон ЎРҚ билан имзоланган.
- Қонун лойиҳасини тайёрлашда болаларни химоя қилишнинг халқаро стандартлари ҳамда Германия, Франция, Дания, Сингапур, Венгрия, Болгария, Албания, Грузия, Молдова каби мамлакатлар тажрибасидан фойдаланилди.
- Қонун лойиҳасининг қабул қилиниши болаларни химоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш ва болаларни зўравонликнинг барча шаклларида химоя қилиш бўйича идоралараро мувофиқлаштиришни кучайтириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

2025-йил 15-майдан кучга киради.

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади болаларни зўравонликнинг барча шаклларида химоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ушбу қонун ҳужжатининг **3-моддасида Болаларга нисбатан зўравонликка қуйидагича таъриф берилган: Боланинг ҳаётига, соғлиғига,**

жинсий дахлсизлигига, шаънига, кадр-қимматига ҳамда қонун билан ҳимоя қилинадиган бошқа ҳуқуқлари ва эркинликларига тажовуз қиладиган, жисмоний ёки рухий азоб етказаётган ёки етказиши мумкин бўлган ҳамда асосий эҳтиёжларига зид бўлган, шу жумладан телекоммуникация тармоқларидан ва Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда амалга ошириладиган, қасдан содир этиладиган ҳаракат (ҳаракатсизлик) болаларга нисбатан зўравонлик деб эътироф этилади.

4-модда. Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилишнинг асосий принциплари

Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- қонунийлик;
- инсонпарварлик;
- боланинг энг устун манфаатларини таъминлаш;
- болаларнинг ҳуқуқлари ва имкониятлари тенглигини таъминлаш;
- болаларнинг таҳқирланишига йўл қўймаслик;
- боланинг ўз манфаатларига тааллуқли қарорлар қабул қилинишида иштирок этиши;
- болаларга нисбатан зўравонликка бўлган муросасизлик;
- болаларга нисбатан зўравонлик учун жавобгарликнинг муқаррарлиги;
- зўравонликдан жабрланувчининг ҳуқуқларини тиклаш.

Болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш бўйича фаолият билан шуғулланувчи субъектлар

- Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси;

- Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Бола ҳуқуқлари бўйича вакили (Болалар омбудсмани);
- Болалар миллий комиссияси;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги;
- Прокуратура органлари;
- Ички ишлар органлари;
- Миллий гвардия органлари;
- Оила ва аёллар масалалари қўмитаси;
- Ёшлар ишлари агентлиги;
- Давлат таълим органлари ва таълим муассасалари, нодавлат таълим ташкилотлари;
- Давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари;
- Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари;
- Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, **нодавлат нотижорат ташкилотлари** ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари.

Ушбу субъектлар орасида Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари 19-моддада белгилаб берилди

- Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари;
- болаларга нисбатан зўравонлик содир этган ёки зўравонлик содир этишга ва безориликка мойил бўлган шахсларни аниқлашда, шунингдек улар билан профилактика тадбирларини ўтказишда иштирок этади;

- ижтимоий ҳимояга муҳтож болаларни ва уларнинг оилаларини қўллаб-қувватлаш масалаларини ҳал этади;
- ваколатли органларга зўравонликдан жабрланган болалар ва ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган болалар тўғрисидаги ахборотни тақдим этади;
- маҳаллаларда болалар учун инфратузилмани ривожлантириш, фан, маданият ва ижод тўғарақларини ташкил этиш ҳамда уларга болаларни кенг жалб этиш бўйича чоралар кўради;
- болаларга нисбатан зўравонлик ҳолларини аниқлаш учун маҳаллий ресурсларни сафарбар этиш ҳамда болаларга нисбатан зўравонликнинг барча шаклларида бўлган мурасасизликни шакллантириш учун аҳолининг ижтимоий фаоллигини ва масъулиятини ошириш бўйича чоралар кўради;

озодликдан маҳрум қилиш жойларидан озод этилган ҳамда ихтисослаштирилган таълим муассасаларидан ва республика ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган, ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаган шахсларни ижтимоий-педагогик реабилитация қилиш, мослаштириш ва реинтеграция қилиш бўйича ёрдам кўрсатилишини ташкил этади.

20-модда. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилишга доир фаолиятда иштирок этиши

- Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари:
- болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишда иштирок этади;

- болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилишга доир чоратadbирларни амалга оширишда давлат органларига ва ташкилотларга кўмаклашади;
 - болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликнинг ижро этилиши устидан жамоатчилик назоратини амалга оширади;
 - болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига ва ташкилотларга болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритади;
 - болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш масалалари бўйича тадқиқотлар олиб боради;
 - болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ва ташкилотлар билан ҳамкорлик қилади;
 - болаларга нисбатан зўравонлик ҳолларини комплекс баҳолаш, болаларга нисбатан зўравонлик содир этилиши таҳдидини юзага келтирувчи омилларни аниқлаш, шунингдек унинг оқибатларини бартараф этиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқади;
 - зўравонликдан жабрланган болаларга, шунингдек ўзига нисбатан зўравонлик содир этилиши хавфи остида бўлган болаларга ҳамда уларнинг ота-онасига (ота-онасининг ўрнини босувчи шахсларга) ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий, психологик, тиббий ва таълим хизматларини кўрсатади;
- болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилишга доир фаолиятни амалга оширувчи давлат органларига ва ташкилотларга

қўмаклашади, шунингдек болаларни зўравонликнинг барча шаклларида химоя қилиш масалаларида жамоатчиликнинг хабардорлигини оширишда иштирок этади.

Химоя ордери

- **Зўравонлик жабрланувчиси ёки унинг қонуний вакилининг илтимосига биноан берилади.**
- **Болаларга нисбатан зўравонлик қилган ёки уларга нисбатан зўравонлик таҳдидини яратган шахс ёки шахслар гуруҳига берилади (агар у 16 ёшга тўлмаган бўлса).**
- **Ваколатли давлат органи [туман (шаҳар) "Инсон" ижтимоий хизмат кўрсатиш маркази] билан келишилган ҳолда, зўравонлик факти ёки уни содир этиш таҳдиди аниқланган пайтдан эътиборан 24 соат ичида ички ишлар органи томонидан 30 кунгача бўлган муддатга берилади.**
- **Химоя буйруғининг амал қилиш муддати, агар таҳдид ҳалигача бартараф этилмаган бўлса, [зўравонлик жабрланувчиси ёки унинг қонуний вакилининг илтимосига биноан] жиноят ишлари бўйича суд томонидан бир йилдан ортиқ бўлмаган муддатга (жабрланувчи 18 ёшга тўлгунга қадар) узайтирилиши мумкин.**

Болаларни зўравонликдан химоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

- **Давлат дастурлари ва стратегияларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Жамиятда болаларга қарши зўравонликка нисбатан мурасизлик муҳитини шакллантириш.**

- Зўравонликдан жабрланган ва уларга нисбатан зўравонлик қилиш хавфи остида бўлган болаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш.
- Болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш, аниқлаш ва бостиришнинг самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларини яратиш.
- Болаларга нисбатан зўравонликни келтириб чиқарадиган сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш чораларини кўриш.
- Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш, қонун устуворлигини мустаҳкамлаш.
- Ота-оналарнинг болаларни зўравонликнинг барча шаклларида ҳимоя қилиш учун масъулиятини ошириш.
- Давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш.
- Болаларга нисбатан зўравонлик ҳақидаги маълумотларни йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш ва улардан фойдаланиш.

Зўравонлик қурбонлари учун ишонч телефони

- Ёрдам, маслаҳат ва зўравонликнинг олдини олиш чоралари ҳақида маълумот олиш.
- Ўзбекистон бўйича фаолият юритадиган ишонч телефони ташкил этиш.
- Ишонч телефони орқали олинган маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш.

Хулоса

Болалар ҳуқуқлари Халқаро миқёсда ҳимоя остида ,юртимизда ҳам болалар ҳуқуқларини ҳимоя қиладиган ташкилотлар,норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган.Жумладан ,“Болалар омбудсмани”, “Болалар ҳуқуқлари

кафолатлари тўғсида”ги қанун ҳужжатлари сўзимиз исботидир. ҳеч бир болани болалигидан маҳрум қилишга ҳеч ким ҳақли эмас!

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Хусанов О.Т. Конституциявий ҳуқуқ. – Тошкент, “Юридик адабиётлар публиш”, 2022, 147-бет.
2. Ш.Мирзиёев Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси .Тошкент, О‘збекистон, 2022, 49-бет.
3. "Болаларни зўравонликнинг барча турларидан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун 2023.
4. ҳттпс: // лех. узто